

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришинг бешта устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да
амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси юзасидан
МАЪЛУМОТ**

(2019 йил 25 февраль ҳолатига)

Т/р	Амалга оширилган тадбирлар	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳаси (кимга, қачон киритилган, хат рақами ва санаси)
III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ						
3.1. Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш						
57.	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро валюта жамғармасининг Миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш.	2019 йил 1 июль	А.Мамиров			<p>1. Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил 4 февралдаги № 01/1-03-17/4-5-сонли хат орқали Халқаро Валюта Фондига Ўзбекистонда чораклик ва йиллик миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштириш бўйича техник кўмак сўраб мурожаат юборилди. Халқаро валюта фондининг 2019 йил 6 февралдаги хати асосида 2019 йилнинг 4-15 март кунлари Давлат статистика қўмитасига техник кўмак миссияси ташриф буюриши белгиланди.</p> <p>2. Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил 5 февралдаги № 01/2-03-17/2-6-сонли хат орқали Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкка Миллий ҳисоблар замонавий тизимини статистика амалиётига жорий этиш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳини шакллантириш учун мутахассислар номзоди сўралиб мурожаат юборилди.</p> <p>3. “2019 йилда Ўзбекистон Республикаси статистика амалиётига замонавий миллий ҳисоблар тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди, “Миллий ҳисоблар замонавий тизимини статистика амалиётига жорий этиш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи таркиби шакллантирилди ҳамда Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 15 февралдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланди.</p>

3.3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш

74.	Юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни интернет орқали олиш тизимини яратиш.	2019 йил 1 апрель	Н.Шералиев			Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси томонидан Ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлига ва Адлия вазирлига 2019 йил 13 февралда 01/2-18-14/2-54-сонли хати юборилди.
-----	---	-------------------	------------	--	--	--

IV. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ИУНАЛИШЛАРИ

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш

138.	Меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг бандлиги ва меҳнат фаолиятининг “шахсий тарихи”ни акс эттирувчи “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий комплексини яратиш.	2019 йил 1 октябрь	Б.Шодиев	5,2 млн АКШ доллари	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари	Мазкур топшириқ ижроси юзасидан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 27 апрелдаги 01-02/2103-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасининг Қарори лойиҳаси киритилиб, Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 майдаги 01/2-04-14-119-сон хати билан таклифлар юборилди. Қарор лойиҳаси белгиланган тартибда келишилиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юборилди.
7.3	Даромад индекси		М.Умаров Ж.Юлдашев			Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги масъул ҳисобланади. Давлат статистика қўмитасига статистик маълумотни тақдим этиш юзасидан сўров келиб тушганда, тегишли маълумот белгиланган тартибда тақдим этилади.
12.	Статистик салоҳият индекси		М.Хусанова О.Мамадалиев			Статистик салоҳият индекси бўйича маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон банкининг Статистик салоҳият индекси бўйича рейтингдаги ўрнини яхшилаш бўйича йўл харитаси ва аналитик маълумотлар тайёрланиб, Президент Девонига жорий йилнинг 20 февралда 01/1-04-1-70 хати билан юборилди.